ШАРТНОМА №01/03-2022
ошхона хизмати кўрсатиш тўғрисида
(аутсорсинг)

2022 йил «01» 03 Асака шаҳри

«ASIA ORIENT TRADE SERVICE» маъсулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб номланувчи, корхона номидан директори С.А.Абдуллаев, корхона Уставига асосан бир томондан ва акциядорлик жамияти шаклидаги «Уз-Донг Вон Ко» қўшма корхонаси номидан корхона Бош директори Қ.Н.Сотиболдиев, корхона Уставига асосан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб номланувчи. иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда ва шартларда тузадилар.

1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ ВА ҚИЙМАТИ

1.1. «Бажарувчи» келишилган нархлар асосида ўз маҳсулотлари, ишчи кучи билан «Буюртмачи» га қарашли ошхонасида ишчи ва хизматчилар (ходимлар) учун сифатли тушликга (1 чи, 2 чи сменалар учун) иссиқ овқат(1-чи ва 2-чи овқатлар), тунги сменада ишловчи ходимларга қўшимча равишда кечки ярим овқат (полдень) тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса кўрсатилган (аутсорсинг) хизмат хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг қиймати тақдим этилган меню, калькуляция асосида тарафлар ўртасида тасдиқланган янги нархлар келишув баённомаси билан белгиланади. Кўрсатилган хизматларнинг хар ойлик суммаси тушликка кириш электрон рухсатномаси, берилган овкат талонлари, шунингдек берилган кунлик буюртмалар асосида тасдикланган далолатномасига асосан аникланади. Бунда тасдиқланган нархлар янги калькуляциясига кўра бир ходимнинг тушлик иссиқ овқатланиши 18 390,57 (ҚҚС билан) сўм, кечки ярим овқат (полдник) 4 885,76 сўм (ҚҚС билан) этиб белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархлари кўтарилиб ёки пасайиб кетган холатларда иссиқ овқат нархи ўзгариши мумкин ва бу тарафлар келишув билан қайта кўриб чиқилади. Шартнома бўйича тайёрланган иссиқ овқатлар қиймати тақдим этилган ва тасдиқланган меню асосида хисобланади.

1.3. Шартнома суммаси жами 1 525 792 740 (Бир миллиард беш юз йигирма беш миллион етти юз тўқсон икки минг етти юз қирқ) сўм деб белгиланади.

2. «БАЖАРУВЧИ» НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг эхтиёжига асосан ишчи-хизматчилар учун сифатли иссик овкат тайёрлаб бериш мажбуриятини олади.

2.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига кура корхона ишчи-хизматчилари учун байрам маросимларини ташкил килади. Ушбу хизматлар алохида хисоб-китоб килинади.

2.3. Корхона томонидан фойдаланишга топширилган ошхона бино ва жихозларидан окилона фойдаланиб, берилган инвентарларни доимо соз, тоза холатда сакланишини таъминлайди. Унга топширилган ошхона жихозлари: идиш товоклар, стол-стуллар ва бошка ошхона жихоз ва инвентарларига унинг томонидан зарар етказилганда, бу зарарни «Буюртмачига» тулаб беради. Ошхона жихозлари етказилган зарарда «Бажарувчи»нинг айби йўклиги исботланса, у зарарни тўламайди.

2.4. Электр энергия, сув, утиндан тежамкорона фойдаланади. Ортикча ишлатилган таъминотнинг сарф-харажатлари узи томонидан копланади.

2.5 «Бажарувчи» электр энергия учун электр таъминоти (ТЭТК) корхонаси билан белгиланган хужжатлар расмийлаштиргандан сўнг шартнома асосида ишларни амалга оширади. Ошхонада овкат тайёрлаш билан боглик сарф этилган электр энергия учун электр хисоблагич кўрсатгичи асосида тўловни «Бажарувчи» ўзининг хисобидан амалга оширади..

2.6. Ошхона ва унинг атрофини тозалигини, ёнгин хавфсизлиги, санитария-гигиена коидалари, мехнат мухофазаси, техника хавфсизлиги бўйича ишни ташкил этиб, унинг коидалари талабларини таъминлайди хамда тулик амал килади.

2.7. «Бажарувчи» ўз ходимларини амалдаги конун хужжатларида, ёки меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда тиббий курикдан утказиб туриши шарт ва бу буйича тиббий муассаса хулосасини тақдим этиши керак.

2.8. Иссик овкатларни тушликдан **30** дакика олдин тайёр булишлигини таъминлайди, иссик овкат учун махсулотлар захирасининг **3** кунлигини олдиндан тайёрлаб куяди.

Юрисконсультант СП «Уз-Донг Вон Ко» №088
Дата: 01.03 20___ г.

9. «Буюртмачи» талаби билан айрим корхона ходимлари учун пархез таомлари тайёрлаб беради. Пархез таомлар менюси алохида тасдикланади.

2.10. Корхона томонидан берилган овкат буюртмаларининг далолатномасини хар ойнинг 1 кунида бериши шарт.

2.11. «Бажарувчи» хафталик овкат менюсини «Буюртмачига» такдим этади ва барча ходимларга куринадиган холатда «ошхона фаолияти курсатувчи» экранига жойлаб куяди.

2.12. СЭС коидаларига асосан таомларнинг 1 суткалик назорат пробасини саклайди ва корхона тиббиёт ходими (фельдшер)га беради.

2.13. «Бажарувчи» назорат килувчи органлар томонидан ёнгин хавфсизлиги, СЭС, электр энергия, мехнат мухофазаси, техника хавфсизлиги ва бошка текширишлар учун масъул хукукий шахс хисобланиб, ўз хўжалик ва молиявий фаолияти учун ўзи жавобгар хисобланади.

3. «БУЮРТМАЧИ» НИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»:

3.1.1. Овкат тайёрлаш учун ошхона хоналари, омборхона, ошхона инвентарлари (овкат учун мармид, электр плита,ошхона анжомлари, идиш-товоклар ва бошкалар) билан таъминлайди. Инвентарлар кабул килиш далолатномаси асосида берилади.

3.1.2. Иссик овкат тайёрлаш учун электр энергия, ичимлик суви ва хар ойда 3 куб м. хажмида корхонада мавжуд булганда (эхтиёждан ташкари) корхонада белгиланган нарх кийматида утин (дрова), поддон, брус ёки бошка ёгоч чикиндиси билан таъминлайди.

3.1.3.Хафталик овкат тайёрлаш учун тасдикланган «Таомнома» буюртмасини беради.

3.1.4. Зарур холларда узида мавжуд булган озик-овкат ва кишлок хужалик махсулотларини беради.

3.1.5. Хар бир ишчи ходимга овкатланиш учун олдиндан руйхат буйича буюртма беради.

3.1.6. Байрам тадбирлари учун алохида буюртмаларни 3 кун олдин зарур байрам тадбири ва менюси билан такдим этади.

3.1.7. «Буюртмачи»нинг вакили ёки алохида комиссия исталган вактда овкат сифатини, ошхона хоналарини текширишга хакли. Комиссия томонидан билдирилган камчиликларни ва эътирозларни «Бажарувчи» белгиланган муддатда бартараф этиши ва бу туғрисида комиссияга маълумот такдим этиши мажбурийдир.

3.1.8. Овқат таёрлаш жараёнида белгиланган меёрларидан кам масаликлар солинганда,СЭС ва тозалик гигиена коидаларига риоя килинмаган холда шартнома бир томонлама корхона томонидан бекор қилинади.

4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1.«Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг хизматлари учун пул утказиш йули билан хак тўлайди.

4.2 «Бажарувчи»нинг хатига асосланиб хар ойнинг 15-20-санасига кадар аввалги ойда истеъмол килинган иссик овкатлар умумий суммасидан *50* % микдоригача кейинги ой учун аванс туловини амалга оширади.

4.3 «Бажарувчи» томонидан фойдаланилган овкат буюртмалари бўйича тасдикланган далолатнома берилган кундан 10 кун муддат ичида «Буюртмачи» якуний хисоб китобни амалга оширади.

5 ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ

5.1 Шартнома 2022 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди деб хисобланади хамда 2023-йил 31-январгача амал килади.

6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур шартнома шартлари асосида олинган мажбуриятлар юзасидан томонлар бажарилмаган ёки тўлик бажарилмаган мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тўғрисидаги» конуни)га мувофик жавобгар хисобланади.

7 ФОРС-МАЖОР

7.1. Томонлар форс-мажор холатлари юз берган вактида, агар жавобгар тараф буни хужжатлар асосида исботлай олса, ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун ушбу шартномада белгилаб куйилган жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

8.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш давомида келиб чиккан келишмовчилик ва низолар ўзаро келишиш йўли билан, келишув булмаган такдирда амалдаги конун хужжатлари асосида Асака туманлараро иқтисодий суд орқали хал этилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШКА ШАРТЛАРИ

9.1. Шартномада белгиланган мажбуриятлар Бажарувчи томонидан тулик бажарилмаганда, шунингдек тайёрланган овкат сифати бузилган, нормада белгиланган махсулотлар микдори ва ассортименти

Юрисконсультант СП «Уз-ДонгВонКор» №088
Дата: 29.12 20__ г.

тўланмаган, уз вактида овкат буюртмаси тайёр булмаган, хизмат курсатиш сифати талаб даражасида булмаган холларда, шунингдек буюртмачининг бошка талаблари ва шартлари бажарилмаган холатларда шартнома «Бажарувчи» томонидан жиддий бузилиш деб каралади ва «Буюртмачи» олдиндан «Бажарувчи»ни 5 кун олдин огохлантириш шарти билан шартномани муддатидан аввал сабабларини курсатган холда бир тарафлама бекор килишга хакли хисобланади.
9.2. Шартномага ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тарафлар келишуви билан хал этилади.

8.ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»	«Бажарувчи»
АЖ «Уз-Донг Вон Ко» қўшма корхонаси	«ASIA ORIENT TRADE SERVICE» МЧЖ
Асака шахри, Фаргона кучаси 57,	Андижон вилояти
х/р : 20214000300572800001,	х/р: 20208000805221544001,
«Асакабанк» Асака филиали	Банк: Чэки «Инвест финанс банк» АТБ Андижон вилояти филиали
МФО : 00073, инн : 202128093	МФО : 01114 инн : 307380536
ОКЭД : 29320	ОКЭД:56100 НДС: 303010165679
Бош директор _____	Директор: _____
Қ.Н.Сотиболдиев	С.А.Абдуллаев

Юрисконсульт СП «Уз-ДонгВонКо»: №088
Дата: 06 _____ 20___ г.

КЕЛИШИЛДИ					
ИЖРОЧИ	БЎЛИМ БОШЛИГИ	ХУҚУҚШУНОС	ИҚТИСОДЧИ	БОШ ХИСОБЧИ	БОШ ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ